

"ТАСДИКЛАНГАН"
«Qo'qon superfosfat zavodi»
aksiyadorlik jamiyati Кузатув
кенгаши мажлиси қарори билан
Юлдашев Хуршиджон Мирнӯмонович
(Кузатув кенгаши раиси)

Имзо _____

31.07.2014 йил



"РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН"
Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
Маркази Фарғона вилоят бошқармаси
бошлиғи М.Кенджаев

Имзо _____

« 29 » сентябрь 2014 йил № 40039-5 -

сон



КЎШИМЧА АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

«Qo'qon superfosfat zavodi» aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами
берилди (оддий):

R U 1 0 5 4 0 0 3 1 T 1

Номинал қиймати 3 000 сўмдан бўлган 679 653 дона оддий эгаси ёзилган ҳужжатсиз.
(акциялар тури ва сони, уларни чиқариш шакли, номинал қиймати кўрсатилади)

Ёниқ обуна усулида

(акцияларни жойлаштириш усули кўрсатилади)

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши:

5 - чиқарилишдир.

(чиқарилишнинг тартиб рақами)

Тасдиқланган:

Кузатув кенгаши йиғилиш қарори асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорини тасдиқлаган орган кўрсатилади)

31 июль 2014 йил кунги Баённома.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори асосида

(эмитентнинг акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилган орган кўрсатилади)

26 июль 2014 йил кунги Баённома.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили ва мулоқот телефони:

Жойлашган манзил – Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси 87-уй

Почта манзил – Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси 87-уй

Индекс: 113013 Телефон: - (8373) 543-04-39

Эмитентнинг раҳбари **Хасанов Жаҳонгир Джаҳбарович**

в.б:

(Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

Бош ҳисобчи

Сайдуллаева Тилобатхон Аҳмадовна

(Ф.И.Ш)

_____ (имзо)

Мухр



Сана: « 31 » июль 2014 йил

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли): **оддий**

2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли: **хужжатсиз**

3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **3 000 сўм**

4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **679 653 дона оддий**

5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **2 038 959 000 сўм**

6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

- жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- депозитарийдаги депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугурта қилиш;
- Акциядорлар амалдаги қонунларда ҳамда жамият уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олиншига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар: **Жамият уставида ушбу чиқарилишга нисбатан чеклашлар мавжуд эмас.**

Қўшимча чиқарилаётган 679 653 дона оддий акциялар ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобига жойлаштирилади.

8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм): **877 839 000 сўм.**

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **Жамиятнинг аввал жойлаштирилган акциялари 284 798 дона оддий ва 7 815 дона имтиёзли хужжатсиз акцияларни ташкил этади.**

10. Илгари жойлаштирилган корпоратив облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади): **- жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқарилмаган.**

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби:

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна): **Қўшимча чиқарилаётган 679 653 дона оддий акциялар ёпиқ обуна усулида Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига жойлаштирилади.**

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати: **Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб, бир йил ичида жойлаштирилади.**

Жойлаштиришни бошланиш санаси - Қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтказилган сана.

Жойлаштиришни тугатиш санаси - ушбу чиқарилишдаги охириги акция жойлашган кун, лекин ушбу кун қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор

рўйхатдан ўтказилган кундан 365 кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Мазкур чиқарилувдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 7 июндаги “Фаргона фуран бирикмалари кимё заводи” ДУК нинг экологик зарарли бўлган объектларини Фаргона шаҳри ташқарисига чиқариб ташлаш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 166-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳисобига ёпиқ обуна усулида ташкиллаштирилмаган биржадан ташқи савдоларда амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда битимларни тузиш орқали жойлаштирилади.

Қимматли қоғозларни жойлаштиришда андеррайтерлар жалб қилинмайди.

11.4. Акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва сақлаш, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, эмитент эғасининг номи ёзилган акциялари эгалари реестрини шакллантиришни амалга оширган марказий рўйхатдан ўтказувчининг ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширган депозитарийнинг телефони, шунингдек, тегишли фаолиятни амалга оширишга доир лицензия тўғрисидаги маълумотлар (рақами, берилган санаси, лицензияни берган орган, амал қилиш муддати):

Акцияларни сақлаш ҳамда акциялар эгалари реестрини шакллантириш қуйидаги депозитарий томонидан амалга оширилади:

Номи: Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси;

Манзили: Тошкент шаҳри, Бухоро кучаси, 10-уй. Тел: (8371) 236-14-34;

Депозитарий фаолияти амалга ошириш бўйича лицензия рақами: Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси давлат унитар корхонаси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 21 майдаги 263-сонли қарори асосида амалга оширади.

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби: Акцияларни жойлаштиришда имтиёзли ҳуқуқ қўлланилиши кўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби: Акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган нархда жойлаштирилади.

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби: Жамият томонидан қўшимча чиқарилаётган 659 653 дона оддий акциялар учун тўлов “O’quv, konsalting, invest” MChJ баҳоловчи ташкилот томонидан 09.10.2013 йилдаги 121/189-сон билан берилган баҳолаш ҳисоботида қайд қилинган 1-иловадаги мол-мулклар ҳисобига амалга оширилади.

Жамият устав фондида киритилаётган мол-мулклар баҳоловчи ташкилот «O’QUV,KONSALTING,INVEST» масъулияти чекланган жамияти томонидан баҳоланган.

Баҳоловчи ташкилотнинг тўлиқ фирма номи: «O’QUV,KONSALTING,INVEST» масъулияти чекланган жамияти

Қискартирилган фирма номи: «O’QUV,KONSALTING,INVEST» МЧЖ.

Баҳолаш фаолияти учун лицензия рақами ва санаси- №BL-0005, 29.09.2008 йил.

Лицензи берган орган: Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси

Лицензияни амал қилиш муддати- Чегараланмаган.

Баҳоловчи ташкилот манзили- Фаргона вилояти, Фаргона шаҳри, Қурувчилар кўчаси 32-уй.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топиш улуши (бундай улуш ушбу чиқарилишдаги акциялар умумий сонининг 60 фоизидан кам миқдорда белгиланиши мумкин эмас): Ушбу чиқарилувдаги акцияларнинг 60% дан кам қисми (395 792 дона) жойлаштирилганида, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилади.

11.9. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби: Ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган тақдирда, акциялар учун қабул қилинган

тўлов воситалари акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб тан олинган кундан бошлаб 30 кун муддат ичида қонунчиликда белгиланган тартибда қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қогозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошқор қилиш тартиби:

Қимматли қогозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва қимматли қогозлар эмиссия рисоласининг асл нусхаси ва нусхалари билан Фарғона вилояти, Қўқон шаҳри, Давронбек кўчаси 87 уйда жойлашган эмитентнинг маъмурий биносида танишиш мумкин.

Жамият томонидан акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги ахборот ушбу чиқариш давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг қонунда белгиланган тартибда Қимматли қогозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг www.csm.gov.uz расмий веб сайтыда жойлаштирилади, шунингдек «Biznes Daily Биржа» иқтисодий газетасида ошқор қилинади. Нашриёт манзили: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон шох кўчаси, 55 уй.

13. Бошқа маълумотлар: Йўқ.